

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМIIЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМIIЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМIIЙ КЕНГАШ**  

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**УСМАНОВА ДИЛНОЗА УЛУҒБЕКОВНА**

**БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА  
КЛИНИК-ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТ, УЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ ВА  
РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Усманова Дилноза Улугбековна**

Буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда клиник-ижтимоий тадқиқот, уларни олиб бориш ва реабилитациясини ташкиллаштиришни такомиллаштириш йўллари..... 3

**Усманова Дилноза Улугбековна**

Клинико-социальное исследование больных после трансплантации почки и пути совершенствования организации их наблюдения и реабилитации..... 25

**Usmanova Dilnoza Ulugbekovna**

Clinical and social study of patients after kidney transplantation and ways to improve the organization of their observation and rehabilitation..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**УСМАНОВА ДИЛНОЗА УЛУҒБЕКОВНА**

**БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА  
КЛИНИК-ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТ, УЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ ВА  
РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**



**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1301 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Ибрагимов Азиз Юлдашевич**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Даминов Ботир Турғунпулатович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рустамова Хамида Елемесовна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Сабиров Максуд Атабаевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Ш. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги даврда буйрак аллотрансплантацияси сурункали буйрак касаллиги (СБК) терминал босқичидаги беморларни энг истиқболли даволаш услуги ҳисобланади. Бугунги кунда буйрак ўрнини босувчи даволашга муҳтож бўлган буйрак етишмовчилиги дунё аҳолисининг 0,1% ини ташкил қилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра - «Инсон ҳужайра, тўқима ва аъзолари трансплантацияси, унга тенглаша оладиган бошқа самарали услублар бўлмаганда, асосий вазифаларни тиклаш орқали кўплаб беморларни ҳаётга қайтаради»<sup>1</sup>. Ўтган 50 йил мобайнида трансплантация ер юзида муваффақиятли амалиёт услубига айланди. Бироқ, ҳавфсизлик даражаси, сифати, донорлик самарадорлиги ва ҳужайра, тўқима, аъзолар кўчириб ўтказиш жиҳатидан мос келувчи амалиётни танлай билиш борасида давлатлар ўртасида катта фарқ мавжуд. Миллий буйрак фонди таҳлиliga кўра, ер юзида 2 миллиондан ортиқ инсон сурункали равишда диализ олади ёки вазифасини бажариб турган буйрак трансплантати билан яшаб келмоқда.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида буйрак ўрнини босувчи даволашга бўлган талаб йилига 1 млн. аҳолига 100 дан 200 нафарга тўғри келади, аммо буйрак трансплантациясини ўтказиш 60 дан ошмайди. Кўрсатиб ўтилган ҳолат бутун дунёда бу амалиётни кутаётган беморлар сонини йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англатмоқда. Трансплантация амалиётининг ярим асрлик тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, буйрак кўчириб ўтказиш, дастурли гемодиализ олувчи СБК бўлган беморларга нисбатан ҳаёт давомийлигини ва сифатини оширади ва буни бир қатор тадқиқотлар тасдиқлайди. Замонавий трансплантология ва иммунология ютуқлари, хусусан буйрак кўчириб ўтказишнинг хирургик услубларини ва иммуносупрессив даво режасининг такомиллашуви туфайли, охириги ўн йилликда трансплантат ва буйрак кўчириб ўтказилган беморлар яшовчанлиги анча яхшиланди. Бундан ташқари буйрак трансплантацияси амалиётининг нархи дастурли гемодиализдан арзонроқ эканлиги, терминал СБК мавжуд беморларда буйрак кўчириб ўтказиш иқтисодий томондан самарали ва қулайлигини кўрсатади.

Республикамиз тиббиёт ходимлари олдида соҳани, шу жумладан буйрак касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволашни янада мукамаллаштириш ҳамда халқаро стандартлар талабларига мослаштириш борасида қатор вазифалар қўйилган. “...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...” каби вазифалар белгиланган. Улар аҳоли орасида буйрак касалликлари ва улар туфайли юзага келадиган сурункали буйрак касаллиги сабабларини эрта ташхислаш, асоратларини олдини олиш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини

<sup>1</sup> Transplantation of human cells, tissues and organs. Service Delivery and Safety/Health Systems and Innovation. World Health Organization. Avenue Appia 20. 11211 Geneva 27

яхшилашга хизмат қилади, бу эса аҳолига жаҳон андозалари даражасида ихтисослаштирилган нефрологик тиббий ёрдам кўрсатишда миллий тиббиёт даражасини сифат жиҳатидан яхшилаш учун ҳақиқий имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 октябрдаги 859 сонли қарори «Яқин қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби ҳақида» низоми, 2018 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрологик ва гемодиализ ёрдамни кўрсатиш самарадорлигин ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3846-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда турли тадқиқотчилар ва бир қатор ишчи гуруҳлар ҲС ни ўрганиш, БТР га кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ва самарасини баҳоловчи муҳим восита эканини таъкидламоқдалар (Wang Y. et al 2021). Охириги ўн йилликда БТР нинг ҲС кўрсаткичлари трансплантациядан кейинги турли муддатларда, иммуносупрессив даво режаси, беморнинг ижтимоий-демографик кўрсаткичлари, шунингдек, буйрак ўрин босувчи даволашнинг бошқа кўринишларидаги СБК бор беморларнинг айнан шу кўрсаткичларни таққослаш билан боғлиқ қатор тадқиқотлар олиб борилди. БТР да ҲС бўйича халқаро тадқиқотларнинг аксариятида соғлиқ билан боғлиқ универсал SF-36 сўровномаси ишлатилган (Hwang Y., Kim M., Min K., 2021).

БТРлар ҲС кўрсаткичларига ижтимоий-демографик омилларнинг таъсири ўрганилган тадқиқотларда, меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи реципиентларда, у билан банд бўлмаганларга нисбатан ҲСнинг руҳий ҳамда жисмоний таркиблари бўйича сезиларли юқори кўрсаткичлар аниқланган. Шу билан бирга, ақлий меҳнат тури ва олий маълумотга эга бўлишлик ҲС кўрсаткичларининг юқорироқ даражадаги ижобий корреляциясини берган (Niu, S. F., 2005). БТРларнинг ҲС дастурли гемодиализ олувчи беморлар билан таққосланган кўплаб тадқиқотларда, муаллифлар БТР лар ўзларига берган баҳоси бўйича жисмоний соғлиқ кўрсаткичлари («жисмоний фаоллик», «оғриқ интенсивлиги», «умумий соғлиқ», «хаётий фаолик, ғайратлилик») гемодиализ олувчиларга нисбатан сезиларли баланд бўлганини таъкидлайдилар. Бошқа тадқиқотларда БТРларда жисмоний ва руҳий таркибий қисмларини кўрсатувчи барча шкалаларда анча юқори кўрсаткичлар аниқланган. Бир қатор олиб борилган ретроспектив тадқиқотларда ҲС кўрсаткичлари трансплантациядан кейинги муддат ортиб

боргани сайин, 1-5 ва 10 йилдан сўнг яхшиланиб бориши айtilган (Eliza Dayanne de Oliveira Cordeiro, Tatiana Castro da Costa , 2020).

Бугунги кунда SF-36 универсал сўровномаси ёрдамида БТР лар ҲС ни ўрганиш, буйрак трансплантати фаолиятини акс эттирувчи клиник-лаборатор кўрсаткичлар билан бир қаторда, буйрак ўрин босувчи терапиясининг ушбу турини самаралилигини баҳолашда кўшимча ва муҳим мезон ҳисобланади. Сўнги йилларда малакатимизда Даминов Б.Т., Собиров М.А., Абдуллаев Ш.С., Зарипов С.И., Саипова Д.С. ва бошқалар ўз тадқиқотларида диализгача ва дастурли гемодиализ босқичида бўлган СБК бор беморларнинг ҲС кўрсаткичларига ҳам эътибор қаратдилар. Айти пайтда республикамизда БТР лар ҲС кўрсаткичларига турли омилларнинг таъсирини ўрганувчи тадқиқотлар ўтказилмаган.

Буйрак трансплантацияси операциясидан кейинги турли муддатларда беморларни кузатуви ва олиб борилишини ташкиллаштириш сифати, трансплантат фаолияти самарадорлиги ва яшовчанлигига, шунингдек, БТР лар ҲС кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда охири пайтгача операциядан кейинги эрта ва кечки даврларда БТРларни кузатиш ва олиб боришни ташкилий масалаларини ёритиб берувчи миллий ҳуқуқий-инструктив ҳужжатлар (клиник протоколлар, тавсияномалар) ишлаб чиқилмаган. Буларнинг барчаси буйрак трансплантациясидан кейинги турли даврларда беморлар ҲСга таъсир этувчи омилларни чуқурроқ ўрганиш, шунингдек, ушбу тоифа беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида, БТРни олиб бориш ва реабилитацияси бўйича амалий қўлланмалар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот режалари №01980006703 «Сурункали буйрак касалликларининг замонавий ташхисоти ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган. (2020-2021 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказган беморларда клиник-лаборатор ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолаш, уларни кузатиш ва олиб боришни ташкиллаштиришни такомиллаштириш ёрдамида тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

буйрак трансплантацияси ўтказган беморларни клиник ҳамда тиббий-ижтимоий тавсифини аниқлаш;

буйрак трансплантати ўтказган беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

буйрак трансплантацияси ўтказган беморларни реабилитациясини ташкилий жиҳатларини ўрганиш, ва уларга кўрсатилаётган ушбу ёрдам чора-тадбирлари тавсифи ва тўлақонлилигини баҳолаш;

буйрак кўчириб ўтказилган беморларни олиб бориш ва реабилитацияси бўйича илмий асосланган тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалий тиббиётга тадбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида биринчи босқич учун 2017-2021 йиллар оралиғида буйрак кўчириб ўтказилган 392 та бемор, иккинчи босқич учун ҳаёт сифатини ўрганиш бўйича тадқиқотда иштирок этишга рози бўлган 78 нафар БТР, назорат гуруҳи учун 65 та дастурли гемодиализ олувчи беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида биринчи босқич учун касаллик тарихи ва ундан кўчирмалар, иккинчи босқичда стандартлаштирилган SF-36 сўровномаси воситасида БТРлар ва дастурли гемодиализ олувчи беморларнинг ҳаёт сифатини баҳоловчи сўровнома, учинчи босқичда буйрак трансплантацияси амалиёти ва реципиентларни тиббий кузатувини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш учун SF-36 ҳаёт сифати сўровномаси, клиник, биокимёвий, иммунофермент, тиббий асбоблар, ижтимоий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

буйрак трансплантати реципиентларининг соғлигини объектив тавсифловчи клиник-лаборатор кўрсаткичлар асосида нисбатан кўпроқ учрайдиган коморбид ҳолатлар аниқланган;

буйрак трансплантати реципиентлари ҳаёт сифати кўрсаткичлари интеграциялашган умумий жисмоний ва умумий руҳий соғлиқ, ҳамда жисмоний ва руҳий соғлиқнинг кўплаб шкалалари бўйича дастурли гемодиализ билан даволанаётган беморларга қараганда сезиларли баланд эканлиги асосланган;

трансплантат сурункали дисфункциясининг мавжудлиги, буйрак реципиентларининг ҳаёт сифати кўрсаткичларига салбий таъсир этувчи омил эканлиги аниқланган;

буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда иш билан бандлик ва олий маълумотга эга бўлиш каби ижтимоий-демографик омиллар, реципиентларнинг ҳаёт сифати га ижобий таъсир этиши аниқланган;

буйрак кўчириб ўтказиш амалиётидан 12 ойдан сўнг, ҳамда 2 ва ундан ортиқ йилдан кейин соғлиқнинг жисмоний ва руҳий таркибий қисмларининг кўп шкалалари бўйича ижобий томонга ўзгариши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва рус тилида онлайн шаклда (Google Forms) ишлаб чиқилган SF-36 сўровномаси асосида БТР ва дастурли гемодиализ олувчи беморлар ҲС ни ўрганишининг, даволаш самарадорлиги ва трансплантат функционал ҳолатини баҳолашдаги амалий аҳамияти асосланган;

буйрак трансплантацияси ўтказган беморларнинг ҲС ни баҳолаш учун ишлаб чиқилган компьютер дастури (ЭҲМ дастур DGU 20224039), олинган натижаларни ҳисоблаш ва баҳолашни унификация қилишда амалий аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган;

БТР ларни ҳисобга олиш учун ишлаб чиқилган ва тадбиқ қилинган ягона регистрнинг, беморларни олиб бориш ва реабилитация қилиш сифатини такомиллаштиришдаги амалий аҳамияти асосланган;

ишлаб чиқилган буйрак трансплантацияси ўтказган беморларни олиб бориш ва реабилитация қилиш алгоритми, нефролог мутахассисларнинг ва бирламчи бўғин шифокорларининг ушбу йўналишдаги амалий фаолияти сифатини оширишга хизмат қилиши кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган замонавий услуб ва ёндошувлар, етарли миқдорда материаллар, клиник, функционал, лаборатор усуллар орқали олинган натижалар, шунингдек ижтимоий тадқиқотлар (ҲС ни баҳолаш бўйича стандартлаштирилган SF-36 сўровномаси), статистик таҳлил ва олинган маълумотларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан солиштирилганлиги, хулоса ва олинган натижаларни муқобил ташкилот томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти БТР ни диспансер кузатуви ва назоратини олиб боришда, клиник-лаборатор ҳамда ҲС кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, трансплантат фаолияти ва даволаш самарадорлигини комплекс баҳолаш орқали нефролог шифокорлар фаолиятига катта ижобий ҳисса қўшиши билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лаборатор, функционал, иммунологик ва морфологик маркерларни қўллаш, шунингдек, иммуносупрессив даво асоратларини ҳамда буйрак трансплантати дисфункциясини эрта ташхислаш учун БТРлар ҲС ни баҳолаш мезонлари орқали, уларни олиб бориш ва реабилитацияси сифатини ошириш ҳамда даволаш натижаларини яхшилаш билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Буйрак реципиентларида клиник-ижтимоий тадқиқод, уларни олиб бориш ва реабилитациясини ташкиллаштиришни такомиллаштириш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

буйрак трансплантати реципиентларини олиб бориш ва реабилитациясини такомиллаштириш бўйича «Буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказган беморларни олиб бориш ва реабилитация қилиш алгоритми» деб номланган услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 сентябрдаги 8 н-з/470-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома буйрак трансплантациясини ўтказган беморлар диспансер кузатуви ва назоратини ташкил этишни мукамаллаштириш ва уларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини оширишга имкон берган;

буйрак трансплантати реципиентлари ҳаёт сифатига ни ўрганиш, уларни олиб бориш ва реабилитациясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм ва Жиззах филиаллари фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

2023 йил 8 февралдаги 08-02939 сонли маълумотномаси). Амалиётга жорий этиш натижалари, БТРларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, кейинчалик ҳам уларни олиб бориш ва реабилитация қилиш учун тўғри йўлни танлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шулардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотни долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда предмети белгилаб берилган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти тасвирланган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, уларни эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Буйрак трансплантати реципиентларининг ҳаёт сифатига клиник, лаборатор, ижтимоий-демографик омилларни таъсири ва уларни реабилитация қилиш масалалари**» деб номланган биринчи бобида (адабиёт шарҳи) ўрганилаётган мавзунинг ҳозирги ҳолати муҳокама қилиниб, турли муаллифларнинг маълумотлари таҳлили келтирилган. БТР лари ҲС ва реабилитациясига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни, шунингдек, клиник, лаборатор хусусиятларни, ижтимоий-демографик ва руҳий омилларнинг трансплантациядан кейинги даврда беморларни ҲС кўрсаткичлари шаклланишидаги аҳамияти, уларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш ва такомиллаштириш масалаларини ифодаловчи олти кичик боб (параграф)дан иборат.

Диссертациянинг «**Танлаш мезонлари, текширилган беморларни хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот босқичлари, фойдаланилган материал, тадқиқот ва статистик ишлов бериш усуллари баён этилган.

Биринчи босқичда 2017-2021 йилларда амалга оширилган операцияларни сони (йиллар бўйича), тадқиқотда иштирок этган БТР нинг

(392 бемор) республика ҳудудлари бўйича тақсимланиши, операция ўтказилган жой, буйрак трансплантати донорларини қариндошлик даражаси баён этилган. Тадқиқотга киритиш ва киритмаслик мезоналари кўрсатилган, қўлланилган тадқиқот усуллари тавсифланган.

Иккинчи босқичда БТР ва дастурли гемодиализ олувчи беморларни соғлиқ билан боғлиқ ҳаёт сифатини - SF-36 сўровномаси ёрдамида баҳолаш усуллари келтирилган. Сўровнома 36 саволдан иборат бўлиб қуйидаги 8 та шкалага гуруҳланган:

1. Жисмоний фаолият, шунингдек жисмоний юкламага бардош бериш қобилияти (ЖФ);
2. Ролли жисмоний фаолият, жисмоний ҳолатни кундалик фаолиятга таъсирини ифодалайди (РЖФ);
3. Оғриқ интенсивлиги ва унинг кундалик фаолиятга таъсири (ОИ)
4. Соғлиқнинг умумий ҳолати (СУХ);
5. Ҳаётининг фаоллиги (ғайратлилик) (ҲФ);
6. Ижтимоий фаолият (ИФ);
7. Ролли эмоционал фаолият, ҳиссий ҳолатни кундалик фаолиятга таъсирини ифодалайди (РЭФ);
8. Руҳий соғлиқ (РС).

Шунингдек, ҲСнинг 2 та интеграл кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган: биринчи 4 та шкаладан иборат умумий жисмоний соғлиқ (УЖС) ва руҳий саломатлик шкалалари кўрсаткичларини мужассамлаштирган – умумий руҳий соғлиқ (УРС).

50 балдан юқори натижа респондентлар ушбу шкала бўйича ўз ҳолатини баҳолашида сезиларли чекловларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Максимал қийматлар эса (100 балгача) – ижобий фикрларнинг устунлигини ва ўз соғлигини юқори баҳолашига тўғри келади.


Баъзи клиник, лаборатор кўрсаткичлар ва БТР лар ҲСни кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш усуллари, тадқиқот материалларини статистик қайта ишлашнинг амалий усуллари таърифланган.

Диссертациянинг «Текширилаётган беморларни клиник-лаборатор хусусиятлари ва буйрак трансплантати реципиентлари ҳаёт сифатини ўрганиш натижалари» деб номланган учинчи бобида 2017-2021 йилларда тирик қариндош донордан буйрак кўчириш амалиётини ўтказган 392 нафар беморларни ретроспектив текшириш натижалари келтирилган. Беморларнинг ўртача ёши  $32,8 \pm 10,05$  ни ташкил қилиб, улардан 304 (77%) нафари эркак ва 89 (23%) нафари аёллар, беморларнинг кўпчилиги (88,5%) 18 – 44 ёш гуруҳига мансуб эди. Тадқиқотга киритилган БТР гуруҳида 90% ҳолатда (353 бемор) терминал босқичдаги сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ)га олиб келган асосий касаллик сабаби сурункали гломерулонефрит эди (1-расм).



**1-расм. Буйрак реципиентларининг асосий ташхис бўйича тақсимоти.**

БТРлар тадқиқотининг натижаларига кўра аксарият ҳолларда трансплантация операциясидан олдинги касалликлар ва трансплантациядан кейинги даврда иммуносупрессив даво билан боғлиқ битта (44,9%) ёки бир нечта (35,2%) коморбид ҳолатлар мавжуд бўлган (2-расм).



**2-расм. Буйрак реципиентларидаги коморбид ҳолатлар.**

Беморларда трансплантация амалиётига қадар ва ундан кейинги даврда кузатилган клиник белгилар таҳлил қилинганда артериал гипертензия, ренал анемия ва уремик интоксикацияга алоқадор шикоятлар 4-5 баробаргача пасайгани кузатилган (3-расм).



**3-расм. Буйрак реципиентлари орасида жарроҳлик амалиётигача ва амалиётдан сўнг кузатилган клиник белгилар (%)**

Буйрак трансплантациясидан олдин ва кейин (касалхонадан чиқишдан олдин) умумий ва биокимёвий қон таҳлилларини ўрганишда қондаги мочевина ва креатинин даражасида сезиларли пасайиш (нормага келиш) қайд этилди ва бошқа лаборатор кўрсаткичларда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланмади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Буйрак реципиентларининг операциядан олдинги ва кейинги лаборатор кўрсаткичлари (n=392)**

Кўрсаткичлар	Операциядан олдин (M±m)	Операциядан кейин (M±m)	Кўрсаткичлар	Операциядан олдин (M±m)	Операциядан кейин (M±m)
Умумий қон таҳлили			Биокимёвий қон таҳлили		
Гемоглобин, г/л	98±17,6	100,38±19,9	Глюкоза, ммоль/л.	5,6±0,9	7,05±3,16
Гематокрит, %	28,6±5,8	31,97±6,84	Мочевина, ммоль/л	25,4±8,3	8,89±3,48***
Эритроцит, 10 <sup>12</sup> /л	3,2±0,7	3,35±0,80	Креатинин, мкмоль/л	974,3±72	110,9±60,3***
Лейкоцит, 10 <sup>9</sup> /л	7,3±3,6	9,52±4,08	АЛТ, Б/л	32,2±29,5	43,8±42,9
Лимфоцит, %	24±9,1	17,67±10,09	АСТ, Б/л	26±19,8	23,17±19,87
Тромбоцит 10 <sup>9</sup> /л	209±59,8	263,52±65,1	Калий, ммоль/л.	5,1±0,86	4,64±0,57
Умумий сийдик таҳлили			Натрий, ммоль/л.	139,59±5,4	140,6±7,3
Оқсил, г/л	0,44±0,54	0,16±0,11	Умумий оқсил, г/л	69±9,5	67,3±7,91

Изоҳ: фарқларнинг ишончилиги: \*\*\* - P<0,001

SF-36 сўровномасидан фойдаланган ҳолда, турли хилдаги буйрак ўрнини босувчи терапиясида бўлган СБК бор беморлар ўртасида клиник, лаборатор ва ижтимоий-демографик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда соғлиқ билан боғлиқ ҲСни баҳолаш учун тадқиқотда иштирок этишга рози бўлган 78 та БТР ва 65 нафар дастурли гемодиализ (ДГ) олувчи бемор танланган.

78 та БТРдан 60 нафари эркаклар (76,9%) ва 18 нафари аёллар (23,07%). БТРнинг ўртача ёши  $32,7 \pm 7,02$  ёшни, БТР гуруҳидаги эркакларнинг ўртача ёши  $32,8 \pm 6,9$  ёшни (17 ёшдан 55 ёшгача), аёлларнинг ўртача ёши  $32,6 \pm 7,5$  ёшни (19 ёшдан 46 ёшгача) ташкил этди. ДГ гуруҳида 65 бемордан 25 (38,4%) эркаклар ва 40 (61,6%) аёллар бор эди. ДГ гуруҳидаги эркакларнинг ўртача ёши  $41,7 \pm 15,7$ , аёлларда  $43,5 \pm 8,3$  ёшни ташкил этди.

SF-36 сўровномасидан фойдаланган ҳолда БТР ва ДГ даги беморларнинг ҲС кўрсаткичлари шкалалар бўйича қиёсий таҳлил қилганда, БТР гуруҳида юқори ҲС кўрсаткичлари қайд этилди. Шундан, саломатликнинг жисмоний ва рухий компонентларининг саккизта шкаласидан бештасида (РЖФ ( $39 \pm 37,2$ ), ОИ ( $60,8 \pm 18$ ), СУХ ( $64 \pm 16,7$ ), ИФ ( $64,7 \pm 25$ )), РС ( $61 \pm 17,9$ ) ва УЖС нинг интеграл кўрсаткичи бўйича ( $41 \pm 6$ ) статистик жиҳатдан ишончли фарқлар аниқланди. Шу билан бирга, РЭФ шкаласига кўра, ДГ гуруҳидаги кўрсаткич БТР гуруҳидаги кўрсаткичлардан биров ошиб кетди ( $47,5 \pm 44,5$ ) (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Буйрак трансплантацияси ва гемодиализдаги беморлар хаёт сифатининг қиёсий тавсифи

SF-36 сўровнома шкалалари	Гуруҳлар		P
	БТР (n = 78)	ДГ (n=65)	
Жисмоний фаолият	$52,6 \pm 20$	$50,6 \pm 32$	0,448
Ролли жисмоний фаолият	$39 \pm 37,2^*$	$24,4 \pm 36,9$	0,013
Оғриқ интенсивлиги	$60,8 \pm 18^{***}$	$42, \pm 22$	0,00001
Соғлиқнинг умумий ҳолати	$64 \pm 16,7^{**}$	$55,9 \pm 13,8$	0,007
Ҳаётий фаоллик	$58 \pm 17$	$53,6 \pm 18,7$	0,1488
Ижтимоий фаолият	$64,7 \pm 25^{***}$	$42,8 \pm 11,9$	0,00001
Ролли эмоционал фаолият	$37 \pm 41,9$	$47,5 \pm 44,5$	0,2124
Рухий соғлиқ	$61 \pm 17,9^*$	$53,2 \pm 16,7$	0,02
Умумий жисмоний соғлиқ	$41 \pm 6^{***}$	$35,9 \pm 6,5$	0,0004
Умумий рухий соғлиқ	$43,2 \pm 9,7$	$40,9 \pm 9,1$	0,0765

Изоҳ: фарқларнинг ишончилиги: \* -  $P < 0,05$ , \*\* -  $P < 0,01$ , \*\*\* -  $P < 0,001$

Ўрганилган лаборатор омиллар ичидан қондаги креатинин ва мочевино даражаси меъёрида бўлган реципиентларда ушбу кўрсаткичлар юқори бўлган реципиентларга нисбатан ҲС курсаткичлари баландроқ эканлиги қайд

этилди. Улар ичида оғриқ интенсивлиги шкаласи ва умумий жисмоний саломатлик компоненти бўйича статистик аҳамиятли фарқ кузатилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Креатинин даражасига қараб буйрак реципиентларида ҳаёт сифати кўрсаткичлари

SF-36 сўровнома шкалалари	Гуруҳлар		P
	Қондаги креатинин >120 ммоль/л (n=26)	Қондаги креатинин < 120 ммоль/л (n=52)	
Жисмоний фаолият	50±18,8	54±20,9	0,381
Ролли жисмоний фаолият	38,4±38,8	39,4±36,8	0,977
Оғриқ интенсивлиги	56±19,7	63,2±17,2*	0,05
Соғлиқнинг умумий ҳолати	60,5±18,2	66±15,8	0,146
Ҳаётий фаоллик	54,6±15	59,7±18,4	0,241
Ижтимоий фаолият	62,5±26,2	65,8±24,7	0,577
Ролли эмоционал фаолият	37,18±42,5	37±42	0,955
Руҳий соғлиқ	60,7±16,8	61±18,5	0,883
Умумий жисмоний соғлиқ	39,3±6,4	41,8±5,8*	0,04
Умумий руҳий соғлиқ	43±8	43,3±10,4	0,907

Изоҳ: фарқларнинг ишончилиги: \* - P<0,05

Коптокча фильтрация тезлиги (КФТ) қийматини ҳисобга олган ҳолда БТР ХС кўрсаткичларини баҳолашда, КФТ 60 мл/мин/1,73м.кв.дан паст бўлган беморлар гуруҳи кўрсаткичларининг таққосланадиган қийматлари, КФТнинг меъерий даражаси бўлган БТР билан солиштирганда, ОИ ва ҲФ шкаласи бўйича кўрсаткичларнинг сезиларли даражада (статистик ишончли) пасайиши ҳамда саккизтадан тўртта шкала (РЖФ, СУХ, РЭФ ва РС) ва УЖС, УРС интеграциялашган кўрсаткичлари бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятсиз пасайишига мойиллик қайд этилди (4-жадвал).

### 4-жадвал

#### Коптокча филтрацияси тезлиги даражасига қараб буйрак реципиентларида ҳаёт сифати кўрсаткичлари

SF-36 сўровнома шкалалари	Гуруҳлар		P
	Коптокча филтрацияси тезлиги <60 мл/мин/1,73м.кв. (n=18)	Коптокча филтрацияси тезлиги >60 мл/мин/1,73м.кв. (n=60)	
Жисмоний фаолият	54,4±20,2	52,1±20,3	0.86
Ролли жисмоний фаолият	35,5±36,2	40,2±37,7	0.99
Оғриқ интенсивлиги	53,5±19,8	63,1±17,3*	0.03
Соғлиқнинг умумий ҳолати	58,6±19,4	66,1±15,5	0.21
Ҳаётий фаоллик	52,8±15,1	59,6±18*	0.04

Ижтимоий фаолият	65,7±23,8	64,4±25,7	0.42
Ролли эмоционал фаолият	35±39,2	37,8±43	0.77
Руҳий соғлиқ	58,7±17,3	61,7±18,1	0.32
Умумий жисмоний соғлиқ	39,6±6,5	41,5±6	0.47
Умумий руҳий соғлиқ	42,2±7,2	43,6±10,4	0.27

Изох: фарқларнинг ишончилиги: \* - P<0,05

БТР нинг 21,8% да АГ кузатилди. ҲС кўрсаткичларига АГ омилининг таъсири ўрганилганда, артериал қон босими меъёрида бўлган реципиентлар, артериал гипертензияси бўлган буйрак реципиентларига қараганда ҲС нинг аксарият шкалалари бўйича ўзини-ўзи юқорироқ баҳолаши, улардан жисмоний фаолият ва ижтимоий фаолият шкалалари бўйича эса кўрсаткичларнинг артериал қон босими меъёрида бўлган буйрак реципиентлари гуруҳида статистик аҳамиятли даражада юқори эканлиги қайд этилди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Буйрак реципиентларида қон босим даражасига қараб ҳаёт сифати кўрсаткичлари

SF-36 сўровнома шкалалари	Гуруҳлар		P
	Артериал гипертензияси бор реципиентлар (n=17)	Артериал қон босими меъёрида бўлган реципиентлар (n=61)	
Жисмоний фаолият	50,2±19,2	60,5±22,4*	0,016
Ролли жисмоний фаолият	39,8±37,4	41,6±38,3	0,793
Оғриқ интенсивлиги	60,2±18,7	63,9±16,8	0,198
Соғлиқнинг умумий ҳолати	66±16,4	60,8±15	0,939
Ҳаётий фаоллик	57,7±17,5	60,8±16,9	0,287
Ижтимоий фаолият	62,5±25,9	72,2±22*	0,014
Ролли эмоционал фаолият	36,7±42,3	42,5±42,4	0,571
Руҳий соғлиқ	60,8±18,2	62,8±16,6	0,438
Умумий жисмоний соғлиқ	40,8±6	42,2±6,5	0,107
Умумий руҳий соғлиқ	43±10	44,7±8,2	0,299

Изох: фарқларнинг ишончилиги: \* - P<0,05

Олинган маълумот даражасига қараб БТРнинг ҲС кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, олий маълумотли беморлар гуруҳида (30,7%), саломатликнинг жисмоний ва руҳий таркибий қисмларининг бешта шкаласи (ЖФ, РЖФ, СУҲ, РЭФ, РС), шунингдек, УЖС ва УРС интеграциялашган кўрсаткичлари бўйича улар ўрта ёки ўрта махсус маълумотли БТР кўрсаткичларидан сезиларли даражада ошиб кетди (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Маълумотлилик даражасига қараб буйрак реципиентларида  
хаёт сифати кўрсаткичлари**

SF-36 сўровнома шкаллари	Маълумотлилик		P
	Ўрта-махсус (n=23)	Олий (n=24)	
Жисмоний фаолият	48±17,8	63±21,7**	0,001
Ролли жисмоний фаолият	32,8±34,9	53±39,2*	0,03
Оғриқ интенсивлиги	59,8±18,9	63±16,9	0,427
Соғлиқнинг умумий ҳолати	61,4±16,7	70,6±15,1*	0,015
Ҳаётий фаоллик	56,1±16,6	62,2±18,8	0,168
Ижтимоий фаолият	62,7±25,5	69,2±25,2	0,281
Ролли эмоционал фаолият	30,2±39,5	52,7±43,8*	0,036
Рухий соғлиқ	56,6±16,6	70,8±17***	0,0001
Умумий жисмоний соғлиқ	39,9±6,1	43,4±5,6*	0,017
Умумий рухий соғлиқ	41,4±9,5	47,2±8,9*	0,014

Изоҳ: фарқларнинг ишончилиги: \* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001

Шунингдек, иш билан таъминланган БТР лар гуруҳи ишламайдиган беморлардан ҲС кўрсаткичларини саккизта шкаласидан учтаси (ЖФ, РЭФ, РС), шунингдек УРС интеграциялашган кўрсаткичи бўйича (47,5±10,5, p<0,05) олдинда эканлиги кўрсатилди. Қолган кўрсаткичлар бўйича олий таълим муассасаларида ўқийдиган ёки ишлайдиган БТРда, бандлиги бўлмаганларга нисбатан биров (статистик ишончсиз) юқори бўлиши кузатилди (7-жадвал).

**7-жадвал**

**Меҳнат билан бандлик омилининг хаёт сифати кўрсаткичларига  
таъсири**

SF-36 сўровнома шкаллари	Бандлик		P
	Меҳнат билан бандлик: йўқ (n=58)	Меҳнат билан бандлик: бор (n=20)	
Жисмоний фаолият	50,3±19,6	57,7±20,4	0,102
Ролли жисмоний фаолият	32,4±35	58,7±38,3**	0,007
Оғриқ интенсивлиги	59,5±18,4	64,8±18	0,355
Соғлиқнинг умумий ҳолати	63,9±15,9	65,3±19,6	0,834
Ҳаётий фаоллик	57±17,9	60,5±16,6	0,397
Ижтимоий фаолият	63,1±23,6	68,7±29,6	0,367
Ролли эмоционал фаолият	28,07±38,2	63,3±43**	0,001
Рухий соғлиқ	58,5±17,5	66,6±17,5*	0,05
Умумий жисмоний соғлиқ	40,5±6	42,51±6,6	0,241
Умумий рухий соғлиқ	41,6±9	47,5±10,5*	0,014

Изоҳ: фарқларнинг ишончилиги: \* -  $P < 0,05$ , \*\* -  $P < 0,01$

Оилавий ҳолатнинг БТРнинг ҲС кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш, соғлиқнинг жисмоний ва руҳий таркибий қисмларининг РЖФ, СУҲ, шкалаларига кўра ва УЖС нинг интеграциялашган кўрсаткичи бўйича, турмуш қурмаган БТРда ҲСнинг юқори кўрсаткичларини аниқлади (статистик жиҳатдан аҳамиятли), жисмоний ва руҳий саломатликнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича эса бироз юқорилиги (аҳамиятсиз тенденция) кузатилди. Оилавий БТР орасида турмуш қурган, лекин фарзанди бўлмаган БТР билан солиштирганда, болали беморлар гуруҳида ҲС кўрсаткичлари бироз юқорироқ эди (8-жадвал).

### 8-жадвал

#### Оилавий ҳолатга боғлиқ ҳолда ҳаёт сифати кўрсаткичлари

SF-36 сўровнома шкалалари	Оилавий аҳволи					
	Турмуш қурмаган		Турмуш қурган, боласи йўқ		Турмуш қурган, болалари бор	
	n=14	P	n=10	P	n=54	P
Жисмоний фаолият	55,3±18,7	0,889	45,8±14	0,438	52±21	0,607
Ролли жисмоний фаолият	55,7±37*	0,021	54±43	0,765	36±36,5	0,086
Оғриқ интенсивлиги	57,9±13,2	0,837	48±5,4	0,280	63±19,9	0,030
Соғлиқнинг умумий ҳолати	75,4±14,6*	0,017	63±12,9	0,251	63±16,8*	0,014
Ҳаётини фаоллик	66,9±18,7	0,847	50,8±18*	0,041	56±16,7*	0,047
Ижтимоий фаолият	70,19±23,6	0,906	41,6±21*	0,015	65,5±25	0,05
Ролли эмоционал фаолият	43,58±47,8	0,272	33,3±29	0,452	38,2±43	0,687
Руҳий соғлиқ	68,6±17,5	0,970	65,3±16	0,984	58,5±18	0,069
Умумий жисмоний соғлиқ	43±3,1*	0,046	39±3,7	0,219	41±6,6	0,273
Умумий руҳий соғлиқ	46,9±11,2	0,828	41±3,9	0,197	42,6±9,9	0,159

Изоҳ: фарқларнинг ишончилиги: \* -  $P < 0,05$

Буйрак трансплантациясининг давомийлигига қараб, БТРлар тўрт гуруҳга бўлинди - операциядан кейин 3, 6, 12 ой ва 2 йил ёки ундан кўпроқ вақт. Буйрак трансплантациясининг давомийлигига қараб ҲС кўрсаткичларини таҳлил қилганда, буйрак трансплантациясидан кейин ўтган вақтнинг кўпайиши билан ҲС кўрсаткичларининг ўсишига аниқ мойиллик кузатилди: 6 ойдан сўнг саломатликнинг жисмоний ва руҳий компонентлари бўйича олтита шкалада (ЖФ, РЖФ, ОИ, СУҲ, ҲФ, ИФ) шунингдек, УЖС нинг интеграллашган кўрсаткичида ўсиш кузатилди; 12 ойдан сўнг саломатликнинг жисмоний ва руҳий компонентларининг деярли барча шкалалари бўйича ҲСнинг ўсиши кузатилиб, улардан ЖФ, ИФ ва РЭФ шкалаларида сезиларли ўсиш қайд этилди. Трансплантация қилинганидан кейин 2 йилдан ортиқ муддатга эга бўлган БТР гуруҳида РЖФ, ОИ, СУҲ, ҲФ, ИФ, РЭФ ва РС шкалаларида юқори ҲС кўрсаткичлари кузатилди,

шундан бешта шкалада (РЖФ, ИФ, РЭФ, УРС ва УЖС) сезиларли даражада (статистик ишончли) ошиб кетиш қайд этилди (9-жадвал).

9-жадвал

**Трансплантациядан кейинги муддатларда ҳаёт сифати кўрсаткичлари**

SF-36 сўровнома шкалалари	Операциядан кейинги муддат						
	3 ой	6 ой		12 ой		2 ва ундан ортиқ йил	
	n=17	n=19	P	n=19	P	n=23	P
Жисмоний фаолият	45±15,9	50±20	0,524	58±22,6*	0,05	55,6±20	0,130
Ролли жисмоний фаолият	20,5±26,8	39±33,6	0,069	36,8±41	0,108	54±38,9**	0,002
Оғриқ интенсивлиги	58,3±13,9	63±17,5	0,495	54,3±23	0,474	66±16,5	0,221
Соғлиқнинг умумий ҳолати	61±17,2	62,5±19	0,877	65±16,5	0,525	67±14,6	0,316
Ҳаётини фаоллик	57±13	61±14,9	0,462	53,4±19	0,567	59,5±20,5	0,642
Ижтимоий фаолият	50,7±23,9	57,8±24	0,315	65±25,5*	0,05	80±18***	0,0001
Ролли эмоционал фаолият	23,5±30,6	21±38,8	0,987	47±43,4*	0,05	52±44,7*	0,019
Руҳий соғлиқ	58,3±18	58,3±16	0,911	60±16,8	0,871	66±19,6	0,232
Умумий жисмоний соғлиқ	38±4,2	42 ±5,5	0,062	40,6±7,2	0,228	42,7±6,4*	0,022
Умумий руҳий соғлиқ	40,5±7	40±9,5	0,965	43,6±8,7	0,301	47,5±11*	0,020

Изоҳ: фарқларнинг ишончилиги: \* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001

Диссертациянинг «**Буйрак трансплантациясидан ўтган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари**» деб номланган тўртинчи бобида адабиёт маълумотлари таҳлили ва буйрак трансплантациясидан ўтган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳолатини ўрганиш асосида трансплантациядан сўнг беморларни эрта ва кечки даврда олиб бориш ҳамда реабилитация қилишнинг асосий масалалари ва вазифалари кўриб чиқилди. Республикада донор аъзоларни, шу жумладан буйракларни трансплантация қилиш масалаларини тартибга солувчи қонунчилик базаси берилган, буйрак трансплантациясидан сўнг мавжуд БТР учун тиббий ёрдамни ташкил этишдаги муаммолар кўриб чиқилган.

Таъкидланганидек, республикада трансплантация хизмати энди шаклланаётган даврда БТРга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қуйидаги бир қанча ташкилий масалалар ва муаммолар ҳалигача ҳал этилмаган:

операциядан кейинги эрта ва кечки даврда ҳам БТР ларни мониторинги ва олиб боришнинг ташкилий масалаларини тартибга солувчи миллий

меъерий ҳамда йўриқнома хужжатлари (клиник протоколлар, тавсиялар) йўклиги;

БТРни иммуносупрессив дорилар билан таъминлашдаги узилишлар, уларга бўлган эҳтиёжни нотўғри аниқлаш, шунингдек, талаб қилинган асл дори воситаларини генериклар билан алмаштириш, бу қонда препаратнинг зарур бўлган концентрацияга эришиш ва етарли иммуносупрессив терапияни ўтказишни қийинлаштиради;

операциядан кейинги эрта ва кечки даврда беморларни тўғри клиник ҳамда лаборатор мониторингини ўтказишда қийинчиликлар, шу жумладан, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тегишли анализаторлар ва реагентлар йўклиги сабабли даволаш пайтида қонда иммуносупрессант (такролимус, циклоспорин) концентрациясини зарурий даврий аниқлаш имконининг йўклиги;

жойларда БТРни бевосита кузатувчи малакали тиббиёт мутахассисларининг (нефрологлар, трансплантологлар) кескин танқислиги;

трансплантолог, психолог, диетолог, жисмоний машқлар билан даволаш бўйича мутахассис (тренер) билан маслаҳатлашувларни ташкил этиш ва малакали нефролог томонидан жойларда БТРни диспансер кузатувини ташкил этишдаги қийинчиликлар;

буйрак трансплантацияси ўтказилган беморларни диспансер динамик мониторинги ва ҳисобга олишнинг ягона тизими йўклиги.

Бундан ташқари, ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда):

– аъзо трансплантациясидан сўнг касалхонага ётқизиш ва даволанишга муҳтож бўлган реципиентлар учун махсус ажратилган ўринлар йўклиги, шу сабабли шифохонада текширув ва даволаниш зарур бўлганда, республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган БТРлар Тошкент шаҳридаги ўзи операция қилинган тиббий марказларга (Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий-амалий маркази) ёки 1-сонли Республика клиник шифохонасига мурожаат қилишга мажбурлиги;

– жойларда трансплантолог мутахассислар учун штат ажратилмаганлиги сабабли хорижда ҳам Тошкент шаҳрида ҳам операция қилинган беморлар ҳудудий нефрологларни четлаб ўтган ҳолда мустақил равишда операция жойига мурожаат қилади ва маслаҳат олади. Бу республика марказлари трансплантолог - мутахассисларининг ҳаддан ташқари ортиқча юклама билан ишлаши, навбатларнинг вужудга келиши, беморларнинг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ ноқулайликлар ва айниқса, республиканинг чекка вилоятларидан БТР келишида қийинчиликларга олиб келиши. Шу билан бирга, кўпинча маслаҳатлар натижалари тегишли тиббий хужжатларда тўғри акс эттирилмайди, БТРни рўйхатга олишнинг ягона шаклларига киритилмайди;

– марказлар мутахассислари ва ҳудудий нефрологлар ўртасида буйрак трансплантацияси ўтказган беморларни олиб боришда узвийликнинг йўклиги ҳудудларда трансплантациядан сўнг реципиентларнинг мониторинги аслида

ажратилган иммуносупрессив дори-дармонларни тарқатиш билан чекланиб қолишига олиб келмоқда.

Республика вилоятлари бўйича мавжуд нефролог кадрлар билан таъминланганлик ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксариятида кадрлар билан таъминланганлик нисбатан паст: Жиззах вилоятида – 12,5%, Қорақалпоғистон Республикасида – 45,5 %, Сурхондарё вилоятида – 52,6%, Тошкент шаҳрида – 61,0%, Хоразм ва Наманган вилоятларида 66,7%.


Айрим вилоятларда бугунги кунгача жуда кам нефролог штатлари сақланиб қолганлиги: Бухоро (1,25 бирлик), Самарқанд (2 бирлик), Сирдарё (1 бирлик) ва Тошкент (0,5 бирлик) вилоятларида, бу ерда кадрлар билан таъминлаш 100 фоизни ташкил этади. Туман миқёсида, аксарият вилоятларда нефрологлар умуман йўқ (4-расм).



**4-расм. Нефролог врачларнинг вилоятлар кесимида штат бирлиги кўрсаткичлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш марказининг нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси кафедраси базасида, шунингдек, хорижий тиббиёт марказларида «Нефрология» мутахассислиги бўйича шифокорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш ҳолатини таҳлил қилиш, мавжуд эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, «Нефрология» мутахассислиги бўйича врачларни қайта тайёрлаш йил сайин кўпайиб борганлигига қарамасдан етарли даражада бўлмаганлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб, тиббий олий таълим муассасалари қошида Нефрология ва Трансплантология йуналишида магистратура ва клиник ординатура ўринлари ташкил қилинди ва трансплантациядан кейинги беморларни олиб бориш ва реабилитация қилиш бўйича 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб врачларни қайта тайёрлаш курси йўлга қўйилди.



**5-расм. Республикада нефрология бўйича кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш кўрсаткичлари**

Буйрак реципиентларига кўрсатиладиган ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкилий ҳолати ва сифатини, уларни ХС кўрсаткичларига билвосита таъсирини баҳолаш мақсадида, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчи (18 киши) БТРнинг ХС кўрсаткичлари Республика ҳудудларида яшовчи БТРнинг (60 киши) ўхшаш кўрсаткичлари билан солиштирганда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчи беморларнинг ўзини-ўзи ХСни нисбатан юқори баҳолаши қайд этилди. Ушбу ҳолат ҳам, БТР ХС кўрсаткичларига, уларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган тиббий хизматнинг жойларда мавжудлиги (ҳолати) ва сифати сезиларли таъсир қилишини кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, тадқиқотда иштирок этишга рози бўлган БТР ўртасида ХС сўрови доирасида қўшимча савол қўйилди: Сизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича қандай таклифларингиз бор? Ушбу саволга жавобда:

респондентларнинг 49 фоизи самарали иммуносупрессив дори воситалари билан узлуксиз ва бепул таъминлашни ташкил қилишни сўради;

БТРнинг 25 фоизи иммуносупрессив терапия вақтида қондаги такролимус концентрациясини аниқлашни бепул ёки имтиёзли асосда ташкил этишни, шунингдек, ушбу текширувни республика ҳудудларида ташкил қилишни сўради;

респондентларнинг 22 фоизи зарур тиббий мутахассислар билан маслаҳатлашувларни ташкил этишда қийинчиликлар, буйрак трансплантациясидан кейин беморларни олиб бориш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлган малакали тиббиёт мутахассислари томонидан жойларда тегишли назорат йўқлиги, шунингдек, трансплантация бўйича беморни операция қилган шифокор маслаҳатига кириш қийинлигини қайд этди;

респондентларнинг 4 фоизи бу саволга жавоб топа олмади.

Шундай қилиб, БТР реабилитациясини ташкил этиш ҳолатини, шунингдек, трансплантациядан кейинги даврда уларни кузатиш ва олиб бориш сифатини ўрганиш шуни кўрсатдики, бугунги кунда, айниқса, республикамиз ҳудудларида ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжуд. Бу, ўз навбатида, қатор ташкилий масалаларни: нефролог ва трансплантолог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини, тегишли штатларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий маркази ҳамда унинг ҳудудий филиалларининг моддий-техник базасини яхшилашни, буйрак трансплантациясидан сўнг беморларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишнинг ягона шаклини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, буйрак трансплантацияси ўтказган беморларни олиб бориш ҳамда реабилитация қилиш бўйича йўриқнома ва меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, буйрак трансплантациясини амалга оширувчи тиббиёт марказлари, Нефрология ва буйрак трансплантацияси маркази ва унинг ҳудудий филиаллари нефрологлари ўртасида узвийликни таъминлаш, шунингдек, бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини кенгайтиришни тақозо этади.

## ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикаси резидентлари – буйрак трансплантати реципиентлари (БТР) орасида 90% ҳолларда СБКнинг сабаби сурункали гломерулонефритдир; уларнинг клиник ва лаборатор таҳлилларида артериал гипертензия (21%), анемия (26%), эритроцитоз (34,6%), трансплантатнинг сурункали дисфункцияси (26%), сурункали вирусли гепатит «С» ва «В» (24%) устунлик қилади.

2. Клиник ва лаборатория кўрсаткичларга қўшимча равишда SF-36 сўровномаси ёрдамида реципиентларнинг ҳаёт сифатини ўрганиш даволаш самарадорлигини баҳолашнинг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади. Трансплантациясидан кейин 6, 12 ой, 2 ёки ундан ортиқ йил ўтгач, БТРларда жисмоний ва руҳий саломатлик таркибий қисмларининг кўп шкалалари бўйича ҳаёт сифати кўрсаткичларининг сезиларли ўсиши кузатилади.

3. Трансплантациядан кейинги даврда БТРга ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ташкил этиш ва реабилитация қилишда бугунги кунда баъзи муаммолар мавжуд: уларни мониторинги ва олиб боришни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларининг етарли эмаслиги; беморларда қондаги иммуносупрессор концентрациясини аниқлашдаги қийинчиликлар; самарали иммуносупрессив дорилар билан таъминлашдаги узилишлар; мавжуд нефролог-шифокорлар штатларининг номукамаллиги ва бошқалар шулар жумласига киради.

4. Нефрология ва трансплантация хизматларининг ташкилий-штат тузилмасини, моддий-техник базасини, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; буйрак реципиентларини ҳисобга олиш ва мониторинг қилишнинг ягона шаклини, тегишли услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; буйрак трансплантациясини

амалга оширувчи тиббиёт марказлари, нефрология ва буйрак трансплантацияси марказининг ҳудудий филиаллари ўртасида узвийликни таъминлаш, буйрак трансплантациясининг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ  
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

**УСМАНОВА ДИЛНОЗА УЛУГБЕКОВНА**

**КЛИНИКО-СОЦИАЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ БОЛЬНЫХ ПОСЛЕ  
ТРАНСПЛАНТАЦИИ ПОЧКИ И ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ  
ОРГАНИЗАЦИИ ИХ НАБЛЮДЕНИЯ И РЕАБИЛИТАЦИИ**

**14.00.33 – Общественное здоровье. Менеджмент в здравоохранении  
14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент -2023**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за №В2020.2.PhD/Tib1301.**

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научные руководители:**

**Ибрагимов Азиз Юлдашевич**

доктор медицинских наук, доцент

**Даминов Ботир Тургунпулатович**

доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Рустамова Хамида Елемесовна**

доктор медицинских наук, профессор

**Сабиров Максуд Атабаевич**

доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный  
медицинский университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Разового Научного совета DSc. 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован № \_\_\_\_). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года.

(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года)

**А. Г. Гадаев**

Председатель разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.А. Набиева**

Учёный секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**М.Ш. Каримов**

Председатель разового научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Аллотрансплантация почки (АТП) на сегодняшний день – наиболее перспективный метод лечения терминальной стадии хронической болезни почек (ХБП). В настоящее время почечная недостаточность, требующая заместительной почечной терапии, затрагивает около 0,1% населения мира. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «Трансплантация человеческих клеток, тканей или органов спасает множество жизней и восстанавливает основные функции там, где не существует альтернатив сопоставимой эффективности»<sup>1</sup>. За 50 лет трансплантация стала успешной мировой практикой. Однако между странами существуют большие различия в доступе к подходящей трансплантации и в уровне безопасности, качества, эффективности донорства и трансплантации клеток, тканей и органов человека. Согласно статистике Национального почечного фонда, более 2 миллионов человек во всем мире получают лечение хроническим диализом или живут с функционирующим трансплантатом почки.

